

**ГУЛЖАМОЛ РАҲМОНОВА**

**ИСТАДИМ БЕТАКРОР  
БЎЛИШНИ**

**ШЕҶРЛАР**

**Ташкент  
«Янги аср» излоди»  
2006**


84(5У)6-5 Бадиий əзабиё  
Шеърлар

Гулжамол Раҳмонова шеърлари шарқироқ суваларга ўхшайди. Даб дурустдан юракка бориб урилади. Ҳулосолари кескин, фикрлари шиддатли, қўнаши манзаралари қандай бўлса, шундайлигича акс этган. Аслида сўз тўғри, қўз тўғри — ундан туғилгаётган мантиқ тўғри ва жағдояний бўлиши лозим. Шу маънода Гулжамолни тўғрисига шоира, десак хото қўймаймиз. Юрақда бори — қозонга чиқади, ушбу мажмумага сараланган шеърлар — юракнига тори. Ўқиб кўрин.

10.3.2022  
09,

ISBN № 5-633-01839-7

© С.Г.Раҳмонова «Истадим бетакрор бўлишини».  
«Янги яср ылоди», 2006 й.



\* \* \*

Шарқироқ сув сойлар-ей,  
Қайга оқиб борасиз?  
Толикқан дил найлар-ей,  
Бўлинг малҳам зора сиз.

Бунча сакраб чопасиз  
Харсангларга урилиб?  
Айтинг, не наф топасиз,  
Зир, беомон югуриб?

Сизга дардин сўйлайди  
Унсизгина мажнунгол,  
Билмам, не деб бўйлайди,  
Сув керакдир, аҳтимол?

Бир бор ювмай ўтинг сиз,  
Толнинг эгик шохини.  
Қирғоқда ким у ёлриз,  
Кутарми ҳамроҳини?

Шарқироқ сув сойлар-ей,  
Оқиб қайга борасиз?  
Ўйинқароқ, қуалар-ей,  
Қачон ўйнаб толасиз?

Ҳаловатга ташна дил,  
Бўлинг малҳам зора сиз.

\* \* \*

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Хүшләшмадик ҳатто сүнгида,  
Бизни сийлаб түймади баҳор  
Күн ҳам ботди умр тонгида.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Сиз-ла ўтган күнларим ёлғон.  
Балки улар туш, балки хаёл,  
Бироқ дилга инди күп армон.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Қол демайсиз ё сиз бир бора,  
Аразламаңдик бир кунда юз бор,  
Күришмаймыз, энди йүк чора.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Эриб кетгән қордайин бўлиб.  
Куй авжидаги бўлиб бир озор,  
Узилган у тордайин бўлиб.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Энди баҳтлар чорласин сизни.  
Менинг баҳтли бўлмогим дупвор,  
Армон қучар ногавон қизни.

Бугун сиздан кетаяпман, ёр,  
Хайр энди, майли, хуш қолинг.

\* \* \*

Юрагимни эзма күй,  
Үзи ишкэ эзіб ўтди.  
Кел, ярамга малжам қўй,  
Оҳ, жоним безиб кетди.

Кўнглим-ей, кўп овора  
Ҳар кўчага бош суқиб.  
Ҳадиклардан бечора  
Кетди, ахир, униқиб.

Кўзларимга ўт қўйди,  
Бошим узра бир оғриқ.  
Кўз не, бор вужуд куйди,  
Бу дардлардан эт фориғ.

Йўқ, излаб боролмайман,  
Согинч жоним олса ҳам.  
Дил сирин билолмайман,  
Будир - бир ширин алам.

Азоблар теграмда шай,  
Кел-эй, куй, дардимни ол.  
Уйкусиз тунларимда,  
Ҳеч-са сен ёнимда қол.

\* \* \*

Фалак эврилади, күнлар ўтади,  
Балки кўришмасмиз энди ҳеч қачон.  
Нима бўлганда ҳам — умр ўтади,  
Нима бўлганда ҳам — тўхтамас замон.

Айланаверади замин бетиним,  
Айланар неча бор баҳорлар кузга.  
Сиз кимсиз,  
Мен кимман,  
Билмайди ҳеч ким,  
Сиз ўзга қизга ёр, бизга ёр ўзга.

Тушуниб етдик биз қорани, оқни,  
Сиз-да изламайсиз, мен-да кутмайман.  
Эзрилаб ўтамиш йиллар ҳазонин,  
Сиз ҳижрон демайсиз, мен қон ютмайман.

Умрлар, умрлар ўтаверар жим,  
Йилларнинг қатига чўкади сирлар.  
Униқдан кўнгиллар чорламас ҳаким,  
Елғиз ўзимизга ошно хотирлар

Күнлар поёнида сарҳисоб этиб,  
Келгуси тонгларни кутаверамиз.  
Елкага гуноҳу савобни ортиб  
Инсонлардек яшаб ўтаверамиз.

\* \* \*

Езги тун.

Атроф жим...

Елгиз сен ва мен,

Сочларим түзгитар тун шабадаси.

Нигоҳдар илғамас — қоронку замин,

Сирдан воқиф ёлгиз туи маликаси.

Пана жой...

Иккимиз,

Бир тану бир жон,

Юрак уришлари сезилар ҳатто.

Кўлларинг чамбари сиқиб беомон

Улдирав, лабларинг этар жон ато.

Юраклар

Безовта,

Кўзда хавотир,

Чирмашиб борамиз узум зангидаи.

Меҳрга ташна дил завқланаётир,

Бахтиер бунда оиз зафар тонгидаи.

Ярим тун...

Кекса тол...

Куламиз, тақдирни алдадик дея.

Келар бу дамларга жонни тиккимиз

Асрга дахл этар ҳар бир сония.

Отар тонг —

Айрилиқ,

Келди хотима.

Хислар жиловланар, забт этади хуш.

Майли, осойишта туннинг бағрида

Сен менга, мен сенга бўлдик ширин туш.

\* \* \*

Дунёни тор деманг, дунё тор эмас,  
Ва ё сизнинг мадҳингизга зор эмас.  
Дардларидан фирон чекманг, йигламанг,  
Дунё, асли кўз ёшига арзимас.

Бир қарасанг бахтдан сархуш айвон бу,  
Бир қарасанг сийму зар лиқ дўкон бу.  
Кўнгил қолган барчасидан, баридан,  
Асли, овворалик тулган макон бу.

Дунё ғинов эмас, бу бир эрмакдир,  
Бунча равю, билмам, кимга керакдир?  
Наҳот инсон зоти шунчак қадрсиз —  
Нураётган тупроқ томга тиргақдир?

Бу дунё минг чигалланган тъладир,  
Ё онаси ташлаб кетган боладир.  
Чандон зулм эт, ўлмас Ўзин амрисиз,  
Инсон, асли тубсиз Сабр косадир.

Айланар йил, айланади баҳор, ёз,  
Эҳ, одамзод, югуриб ел фурсат оз,  
Келмадинг дунёга ўз ҳоҳишинг-ла,  
Кетмоқда ҳам, э-воҳ, сўрамаслар роз,  
Айланар йил, айланар ер, баҳор, ёз.

\* \* \*

**Келмаслигинг биламан, аммо  
Беихтиёр кутиб яшайман.  
Хижрон заҳрин ютиб яшайман.**

**Милтирайди умид учқуни —  
Сўниб борар осмонимда ой.  
Юрак дейди ёлвориб: «Уни,  
майли, яна бир бор кечирай»**

**Унугтилган бебурд севгингни,  
Ардоқлайман, болга қўяман,  
Келмасанг-да сабаб ногайин,  
Ноилож бир ишга йўяман.**

**Сен ўйлама, юрагим осмон —  
У бир мўъжаз қушчага ўхшар:  
Қўриқиб, жония нишонга олган  
Пайконлардан беркиниб яшар.**

**Йўқ, қўриқмас у побуд бўлишдан,  
Жони сабил қолса ҳам майли.  
Фақат қўрқар сенсиз қолинидан  
Арзимас бир араз туфайли.**

**Келмаслигинг биламан, аммо  
Беихтиёр кутиб яшайман,  
Хижрон заҳрин ютиб яшайман,  
Қўлмасанг-да садқа бир назар,  
Мен боримни тутиб яшайман.**

\* \* \*

Ганимлар-ей,  
Чал кўлингиз курсатар мени,  
Бундан кимга не наф, билмам, —  
менга зарап йўқ.  
Дўстларимнинг ўнг кўзлари омон бўлсин-ей,  
Улар мени кўрмайдилар чал кўлга лойиқ..

Ганимлар-ей,  
Мен ўйнасам —  
дунё сиага торлик қиласми?  
Бахтим кўриб ё кўзингиз тортарми хира?  
«Ўйнайвер» деб ўзингизни оқдамангиз жеч —  
Мен бирордан руҳсат сўраб ўтирумам сира.

Ганимлар-ей,  
Мен ҳақимда фикр айтгид бўлманг овора,  
Ундан кўра баҳтингиздан айтингиз алёр.  
Мен шундайин яралганман, энди, на чора,  
Ўзгармайман, ўзгаришум хоҳламаслар бор.

\* \* \*

Сизни сира армон демайман,  
Сиздан келмас армон озори,  
Сизни фақат кулиб әслайман,  
Бўлсангиз ҳам ўзганинг ёри.

Сизни сира армон демайман,  
Асли орзу яратган сизни.  
Зинҳор ўқинчларга бермайман  
Хотирамга сиз ўйган изни.

Сизни сира армон демайман,  
Юрагимда исмингиз ўйик.  
Таъқибларим кандай қилмайман,  
Бўлсам ҳам-ки ишкка нолойик.

Сизни сира армон демайман,  
Умидларсиз яшамоқ қийин.  
Сизни аслаб, балки, йигларман —  
Эсламасам ўлморим тайин.

Сизни сира армон демайман,  
Сизни ҳеч кимсага бермайман.

\* \* \*

Умрим гулшанига келганды баҳор,  
Севинч гулобидан тошганда анҳор,  
Бир ёвуз руҳ келиб бермасин озор,  
Сиз мени армонлар қўлига берманг.

Юрагимга гумон чукканда ногоҳ,  
Фалакка бўй тұзса кўнгилдаги оҳ,  
Сиздан сўраганим биргина паноҳ,  
Сиз мени армонлар қўлига берманг.

Майли, раشك ўтида куйиб кетсин дил,  
Майли, соғинчларда эзилсин кўнгил,  
Яшамоқ маъниси булмасин чил-чил,  
Сиз мени армонлар қўлига берманг.

Тўйиб, толиб кетдим дунёларидан,  
Ростта ўхшаш ёлрон, рўёларидан,  
Сиз мени, сиз мени асрариг баридан,  
Сиз мени армонлар қўлига берманг.

\*\*\*

Кетиб борар йўлда бир одам,  
Бошин қуии солган бояқиши.  
Моҳиятсиз бунда ҳар қадам,  
Кетиб борар бемақсад, беиш.

Йўлда ҳамма югурик-елик,  
Биз ҳам кетиб борамиз учиб.  
Унга на иш, на ўқишип ҳадик,  
Кетиб борар ўйларин қучиб.

Ана, бошин кутарди бир оз,  
Қараб қўйди йоловчи «Форд»га.  
Бу ҳам унга тушмадими соз,  
Пинак бузмай кайрилди ортга.

Билолмайин қолдим саросар,  
Айро тушди йўлимиз, ёху.  
Нима қиласар, қаерга борар  
Қолиб кетди менга қоронғу.

Хануза кетиб борар у одам,  
Кузин ерга тყекан бояқиши.  
Моҳиятсиз бунда ҳар қадам  
Ва ё эсдан чиққан уйғониш.

\* \* \*

Истадим бетакрор бўлишни,  
Ўхшаши йўқ баҳор бўлишни.  
Истаган кунгилга ўт ёқиб,  
Куйдиргич, дилозор бўлишни.

Кўл чўздим самовий чўққига,  
Қарамай тақдирнинг дўқига,  
Учсам ҳам тухматнинг ўқига  
Тик туриб ўлишни истадим.

Маъшуқин алдаса ошиқлар,  
Кўз ёшга аразимас бу ишклар,  
Номидан бу маҳзун маъшуқлар  
Қасоскор бўлишни истадим.

Хаётта тик боқдим, ажабо,  
Кўзларга кўринидим беибо,  
Бўлсам-да баҳтлардан мосуво,  
Зафар-ла юришни истадим.

Мен иблис онтини ичмадим,  
Йўқ, ахлоқ ҳаддидан чиқмадим,  
Сийму зар, ишратта учмадим,  
Фақат бор бўлишни истадим

\* \* \*

**Мунаввар тонгларим қүёши,  
Йигитлар ичинда тылоши,  
Хаётда борлигим бардоши —  
Сен ўзинг.**

**Ул тилла қафасдан учганим,  
Саҳрода ишқ майин ичганим,  
Дунёю уқбодан кечганим —  
Сен учун.**

**Яратган ўзи ҳам билмайин,  
Бир бора ҳеч нуқсон қылмайин,  
Яратган у сени атайин —  
Мен учун.**

**Мен бўлгум қизларнинг зебоси,  
Коинот ёлизи — зухроси,  
Бўлсайдим... орзулар аълоси —  
Ёлизинг.**

**Дилингни фом этар кўзларнинг,  
Айттолмай қизаарар юзларнинг,  
Айт, дилда сақлаган сўзларнинг —  
Ким учун?**

## СОФИНИБ

Согиниб-согиниб юрагим толди,  
Күп бор эзгилади рухимни алам.  
Сиздан яна бир бор сўрагим келди:  
Согинмадингизми мени ҳали ҳам?

Сиз-ки алдадингиз, ҳаётим сен, деб,  
Наҳот кулиб турган кўзингиз ёлғон?  
Бироқ ўлганим йўқ, юрибман кулиб  
Ҳатто сизга бўлган меҳрим ҳам омон.

Бироз дил ўртади согинч озори,  
Бир кўриш илинжи қийнади такрор.  
Кутишга сарф бўлди сабримнинг бори,  
Умидлар аразни енгиллар минг бор.

Ҳануз кутаяпман, келиб қолар деб,  
Алдамчи умидлар алдади ёмон.  
Бироқ ўлганим йўқ, юрибман кулиб  
Ҳатто сизга бўлган меҳрим ҳам омон.

## ЎЗЛАРИМ

Дунё ичра яшамакка  
Кўзларим ҳеч тўймайди.  
Истагимча яшамакка  
Ўаларим йул кўймайди.


Аввал ўзим йўл кўрсатиб,  
Сўнгра ўзим қайт дейман,  
Бу ўз ишим дейман тарин —  
Нима қилдинг, айт, дейман.

Битта ўзим истагимдир,  
Яна бирим — ирода,  
Бирим — ақл, бирим — нафс,  
Мен ие қиласай, биродар.

Қийналаман аро йулда,  
Битта бўлсанм қанийди.  
Мен ўзимни ўзим қолиб,  
Улар уз-ча танийди.

Яна ярим нигоҳ билан  
Йул курсетиб кетарлар.  
Буни ўзим тан оламан  
Ўзларим рад этарлар.

Қийналаман аро йулда,  
Битта бўлсанм қанийди.  
Мен ўзимни танимайман,  
Улар қайдан танирди!



\* \* \*

Унуг деманг, азиз отингиз  
Юрагимга ўйилиб бўлди.  
Хотирамга сиз ўйган ҳар из,  
Ишқ сирига йўйилиб бўлди.

Энди мендан тиламанг бекор,  
Хотирларни унутмоқликни.  
Менга раво кўрмангиз ошкор,  
Бу ҳижронда қон ютмоқликни.

Майли, кетинг йироқлаб мендан,  
Бироқ қалбим рад этмас сизни.  
Керак бўлсам сўроқланг тундан,  
Кутишларда жон берган қизни.

Фақат келинг сўроқлаб бир бор,  
Жоним олган қонхўр сабрдан,  
Бўлсангиз ҳам қотилга ҳамкор,  
Бош кўтаргум сиз-чун қабрдан.

Сиз ўйламанг севғиси ҳавас,  
Йўқ, дунё ҳам сўрамам сиздан,  
Бир кўриниш ҳадя этинг, бас,  
Бахти инсон йўқ бу ожиздан.

Майли, сирим айтай шивирлаб:  
Сизни кўп соғиндим азизим.

## КУЗГИ ЯПРОҚ

Кузги япроқ,  
Ранг-рүйинга қараб турсам,  
Бунда бир сўлғиңлик туйсам,  
Шунда сендан жавоб сўрсам,  
Билсанг айт, эй, мунгли қароқ,  
Ҳаёт шуми, кузги япроқ?

Ич бағримни ўяр бир ўқ,  
Бугун борсан — эргага ишқ,  
Кун кўрмадинг ёдга лойик,  
Ўзинг айтгин, оний ҳамроҳ,  
Ҳаёт шуми, кузги япроқ?

Идроким лол: дунё недур?  
Сабрлига роҳат етур.  
Синов қачон сарҳад этур?  
Жавоби топилмас сўрок:  
Ҳаёт шуми кузги япроқ?

Нафас олмоқ, емак, халос —  
Бу ўлимдан бўлмак халосе,  
Яшаб ўтма ҳаммага хос,  
Тақдир.. тақдир, дейсан, бироқ,  
Бу ҳаётмас, кузги япроқ.

Бор, энди, сен ҳам чири, туга,  
Коришиб кет тупроқ, қумга,  
Сен маҳкумсан ахир шунга,  
Ер қаттиқ-да...  
оемон йироқ...  
Не ҳам дердим, кузги япроқ.

\* \* \*

Тунда тентиб бораман ёлғиз,  
Ой сузади мен-ла баробар.  
Суз демайды у бирор оғиз:  
Ё эшитмас, ё гүнг, ё оңсар...

Тунда тентиб бораман таңқо,  
Йүл четида паст-баланд чинор.  
Қулогимга шинирлар ғоҳо,  
Гоҳ дардимдан бўлар дилафгор.

Тунда тентиб бораман ёлғиз,  
Манзили йўқ борар йўлимнинг.  
На йирламас, на кулмас, ожиз,  
Кўними йўқ фикру ўйимнинг.

Тунда тентиб бораман якка,  
Дардлашади минг бир юлдузлар.  
Юлдузлардан яқин юракка  
Етмас, афеус, дилдаги сўзлар.

Тунда тентиб бораман ёлғиз  
Бу дунёниг поёнин излаб,  
На кўзда ёш, на тилда бир суз,  
Бораяпман дунёдан бўзлаб.

Мен билмайман, кетаётубман  
Қаёққа... қай манзилни кўзлаб...  
Тунда тентиб бораман ёлғиз.

\* \* \*

Йүллар олис, манзил йироқ,  
Бейхтиёр түшдик йүлга.  
Онг — учқур, дид — нозик, бироқ,  
Чидаймиз-да ўңгу-сүлга.

Хаёт нима — ҳаққа қуллик,  
Барчасидан күнгіл қолди.  
Омад келса, қилиб қуллуқ,  
Нафас олиб турсак бўлди.

Яраттандан сўрорим бир:  
Омад эмас, йўқ, баҳт эмас —  
Мазмун тўла умр, қадр...  
Бундан ортиқ даркөр эмас.

## БЕДОРЛИК

Залворли кечанинг салобатини,  
Елкангга ортасан яккаю ёлиз.  
Гузаллик яширин тун хилқатини  
Ақл бовар қилмай, қоласан ожиз.

Безовта юрагинг урар ҳапқириб,  
Ёлиз ўзга аён қилганинг гуноҳ.  
Бу ҳақда хеч кимга оғиз очмайсан,  
Үнга гувоҳ бўлган ягона Оллоҳ.

Бундай тунда уйроқ қолишлик малол,  
Нураб, емирилиб боради бардош.  
Оразу ва борлиқнинг искаложасида,  
Бечора руҳим-ей, бўлади талош.

Қора тун комига тортар бешафқат,  
Ҳаёт йўлларидан афсона сўйлаб.  
Майли-да, дейсану тугайди тоқат,  
Ечимсиз ўйларни такроран ўйлаб.

Ҳеч бир ўзгаришсиз туради ҳаёт,  
Бунда қийналади бечора руҳинг.  
Тонгнинг отишини кутасан интиқ,  
Шунда ёрилишга майли бор бошнинг.

Тун сени яширар ўзга кўзлардан,  
Ўзни англашинг беради имкон.

## КЕЛТИРУР

Базм аро күрдим сузib, күз мисли Юсуф ўлтирур,  
Хар нигоҳ бокюри ишқдин юз харидор келтирур.

Қоматин нозик ниҳолга менгәдим, лек зүр бериб  
Даҳри бўрон синдиrolмай, изириин қор келтирур.

Изиринда тоб олган гул юзини курса гар,  
Фарҳод ўзидин кетиб, Хисравлар дор келтирур.

Копларин курган Ширин шул заҳот бехуш бўлиб,  
«Кўрдим, — дея, — янги ойни» имон такрор келти-  
рур.

Лаблари ял-ял ёнару товланар мисли гилюс,  
Сабза мўйлаблар қилиб рапик, лабга чачвон келти-  
рур.

Яратган ҳайрону лол гулдек жамолини куриб,  
Йўқ эмиш андоzаси — дунёга бир бор келтирур.

Таърифин айтмакка тийда қолмади зарра мажол,  
Қанчча нодир сўзни топ — таърифга озор келтирур.

Тушда восил бўлсан уига, шу ширин бир туш учун,  
«Розиман, жоним садора!» деб Гули ашъор келти-  
рур.

\* \* \*

**Кеч куз...**

Рутубатли ҳаво,  
Қуюқ туман – шоқ солған арк.  
Ер юзини қоплаган құннір,  
Шалаббо ҳүл барг.

**Кеч куз...**

Осмонида аринчоқ қуёш  
Нур сочади ҳолсиз, бемадор.  
Нигоҳида аламли сұлиш,  
Умидсизлик унда барқарор.

**Кеч куз...**

Құз ўңгимда она табиат.  
Беҳәё дараҳтлар ярим яланғоч,  
Туар титраб совукдан дир-дир,  
Сув бүйида кекес қайрагоч.

**Кеч куз...**

Ариқда сув — шишадан тиник,  
Хаёли паришон, манзил нотайин.  
Оқиб борадилар, этмайдилар миқ.

**Кеч куз...**

Она замин сукутда бу он.

\* \* \*

Кечакундуз хаёлда бир уй:  
Ишқинг гули сұлмаса дейман.  
Дунёда күп санам пари्रүй,  
Мендан күнглинг қолмаса дейман.

Сен бор учун уради юрак,  
Сен бор учун оламан нафас.  
Сен бир мени севмоғинг керак,  
Йўқса дунё мен-чун төр қафас.

Ёлғиз ўзинг — менинг тилагим,  
Сен мен учун энг етук инсон.  
Мен билмаган нұқсоналарынг ҳам  
Қолдиролмас күнглім бегумон.

Фақат мени севмоғинг даркор,  
Хаёт ичра ҳаммадан ортиқ.  
Хүп, севаман демагин тақрор,  
Бир күриниб баҳтни эт тортиқ.

Севгін мени ҳаммадан ортиқ.

\* \* \*

Қор ёғар бу оқшом бўралаб, унсиз,  
Ииллар тўзовининг губорин ювиб.  
Хотирадан ўчган хатоларимиз,  
Ҳам билмай босилган иаларни кўмиб.

Қор ёғар бу оқшом бўралаб, унсиз,  
Ҳар бир заррасида бор минг бир ҳикмат.  
Қайтмас лаҳзалардан, ўтган имкондан  
Сўйлар каби ўхшар у кўҳна эртак.

Қор ёғар бу оқшом бўралаб, унсиз,  
Оқ сукунат ичра ёлииз қоламан.  
Гўё бўлмагандай ўтган ҳаётим,  
Ҳиссиз, хотирасиз бир он тинаман.

Қор ёғар бу оқшом бўралаб, унсиз,  
Йўқ бўлиб кетаман хаёл — рўёда.  
Хоҳлайман тинмаса, бўлса у сўнгсиз,  
Қайтиб келмасайдим носоз дунёга.

\* \* \*

Бегим, күйингизда күп фиғон ютган,  
Бу күнгилни күзга илмай үтдингиз.  
Тунларни тун демай дийдорни куттан,  
Умидларга парво қымай кетдингиз.

Эссеиз, құаларимга сурма торғандым,  
Қошларимга ойни этиб андоза.  
Хаётимда сиз-ла маңни топғандым,  
Мұхаббатим әди булоқдай тоза.

Үтдай нигоҳларнинг қадри йүқ әнди,  
Битта күнглигизга ўт сололмаса.  
Улжасин уролмай мужкөнлар синди,  
Майли, әнди үндан асар қолмаса.

Майли, не ҳам дердим, қызы — қалб тутқу-  
ни,  
Кетишини ихтиёр әтдингиз, бегим.  
Мен йигілаб ўтарман, сиз ҳам бир куни  
Тушуниб етарсиз ишқнинг нелигин.

Бегим, майли, кетинг Кумушлар бисёр,  
Майли, ширин баҳтлар чорласин сизни.  
Менинг сизсиз баҳтли бўлмоғим душвор  
Армон банди этар итавон қизни.

\* \* \*

Ёнимдан ўтганда жимгина кулиб,  
Бир ширин илинжин ҳадя этасиз,  
Аммо дилим қолар яна мунрайиб —  
Сиз яна йўқ бўлиб, бадар кетасиз.

Хабарлар келади шириндан ширин:  
«Кунгли унинг сенда», дея айтишар.  
Билолмайман, бу ўт, оташнинг сирин,  
Гоҳ дилга малҳам у, гоҳо дардисар.

Орият юклари бўлса ҳам оғир,  
Беихтиёр тушар сиз томон йўлим.  
Ўзлигин англолмай бўлади дилгир,  
Кўнгилнинг қўлида ғурур — шўрлигим.

Кунлар ўтаётир, беҳуд, бесамар,  
Ҳар зарра қувончим сизга илиниб.  
Ярим тунлар бедор, мудраб тонг саҳар,  
Сизни уйлайвериб — руҳим тилиниб.

Яна кўчангизда кезинаман жим,  
На мақсад бор бунда, на бирор аъмел.  
Кимнидир излайди кўзлар бетиним,  
Барқ уриб туради юздан бир савол.

Мана ўша савол, юракни азган:  
Айтинг кўнглингизда ким бор, кимлар бор?  
Ё сизга фариштга бўлиб кўринган —  
Биздан ортиқими迪 ўша гулрухсор?

Ойдан тушганмиди ё ўшал дилдор...

## ОТАБЕГИМ

Мен севгандим Кумушдан юз чаңдон ортиқ,  
Этар әдим юзта жоним бўлса тортиқ,  
Бироқ дилим тилкалайди бигта оғриқ —  
Кўйнингтизда ўзга ёр бор, Отабегим.

Сизни излаб кучангиздан юз бор ўтдим,  
Ўз бошимга ёғдириб кўп өзор ўтдим,  
Бир кўришлик садқа тилааб аброр утдим,  
Телба кўнгил этди кўп хор, Отабегим.

Ёнингизда ойқиз юрар, ойдек тулиб,  
Мен ҳам ўлмай юрибман-ку... ўйнаб-кулиб,  
Наҳоғ бир бор баҳт туймасак одам булиб,  
Сиз унда зор, мен бунда зор, Отабегим.

Ҳа, биламан, сизни орау қылмоқлик кеч,  
Сиз-ла бўлмоқ баҳти насиб бўлмайди ҳеч.  
Эй, шум тақдир, чигалларинг, кел, ўзинг еч,  
Менда бунга йўқдир мадор, Отабегим.

\* \* \*

Қадримни ҳеч билмадингиз сиз —  
Мен ўзимни қадр этаман.  
Армон дилга солса ҳамки из,  
Мен барибир сиздан кетаман.

Сизни сира қаррамайман, йўқ,  
Араzlарни ўтга отаман.  
Муҳаббатим кўзин қилиб лўқ,  
Мен барибир сиздан кетаман.

Керак эди сиздан бир меҳр,  
Майли, баҳтни кўрмай ўтаман.  
Хо-ю ҳавас этолмас сеҳр —  
Мен барибир сиздан кетаман.

Тўлин ойли сўлим тунларим  
Эслаб, балки, фирон чекарман.  
Алвидо, эй, маъсум кунларим,  
Мен барибир сиздан кетаман.

Ишқقا тўла баҳорим қайтиб  
Келса унга оғу тутарман,  
Беун йиглаб, видолар айтиб,  
Мен барибир сиздан кетаман.

## МУНДАРИЖА

«Шарқироқ сув сой лар-ей...» .....	3
«Бутун сиадан кеталяпман, ёр...» .....	4
«Юрагимни әзама, күй...» .....	5
«Фалак әврилади, күнлар ұтади...» .....	6
«Езги тун...» .....	7
«Дүнёни тор деманг, дунё тор әмас...» .....	8
«Келмаслигинг биламан, аммо...» .....	9
«Ғанимлар-ей...» .....	10
«Сизни сира армон демайман...» .....	11
«Умрим гулшаниға келганды баҳор...» .....	12
«Кетиб борар йұлда бир одам...» .....	13
«Истадим бетакрор бұлиши...» .....	14
«Мұнаввар тонгларим қуёши...» .....	15
Сориниб .....	16
Ұаларым .....	17
«Үнугт деманг азиз отингиз...» .....	18
Куәзи япроқ .....	19
«Тунда тентиб бораман ёлғиз...» .....	20
«Йұллар олис, манзил йироқ...» .....	21
Бедорлик .....	22
Келтирур .....	23
«Кеч куза...» .....	24
«Кеча-кундуз хаёлда бир үй...» .....	25
«Қор ёғар бу оқшом бүралаб, унсиз...» .....	26
«Бегім, күйингиада күп фигон юттан...» .....	27
«Енимдан үтганды жимгина кулиб...» .....	28
Отабегім .....	29
«Қадримни әдем билмадынгиз сиз...» .....	30

Адабий-бадийи напр

ГУЛЖАМОЛ РАҲМОНОВА

ИСТАДИМ БЕТАКРОР БЎЛИНИ

Шарлар

Мударрир А. Кутбиддин

Рассом Б. Бозоров

Тех.мударрир Е. Денисова

Муҳарриқ Н. Минназимедова

Компьютерда сайдифлоаочи Р. Еслуленко

ИБ 4136

Босилига 25.01.2006 руҳсат этилди. Багчали 70х84 1/22.

Босма табоги 1,6. Шартли босма табоги 1,17.

Адида 1006 нусха. Бадсек келишингизни нардида.

Бумуртка № 18

Оригинал макет «El Press» темосиндан бажарилди  
«Янги аср алиди» нишриети матбаси марказидаги тайёрланади.

«Биллар матбуоти» босмахонасида босилиди.

700113, Ташкент, Чиланзор-8, Қаторугул кўчеси, 60.